



QARSHI
DAVLAT
UNIVERSITETI

**“MARKAZIY OSIYO MINTAQASIDA
TURIZMNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI:
MUAMMO VA YECHIMLAR”**

MAVZUSIDA XALQARO MIQYOSDAGI ILMIY-
AMALIY ANJUMAN ILMIY MAQOLALAR VA
TEZISLAR TO‘PLAMI
(2022-yil 26-may)

**"ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ
ТУРИЗМА В ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКОМ
РЕГИОНЕ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ"
МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ СБОРНИК
НАУЧНЫХ СТАТЕЙ И ТЕЗИСОВ
(26 мая 2022 г.)**

**“PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT
OF TOURISM IN THE CENTRAL ASIAN REGION:
PROBLEMS AND SOLUTIONS ”**

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL
CONFERENCE COLLECTION OF SCIENTIFIC
ARTICLES AND THESES
(May 26, 2022)

Qarshi-2022

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
KARSHI STATE UNIVERSITY**



**“MARKAZIY OSIYO MINTAQASIDA TURIZMNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI:
MUAMMO VA YECHIMLAR”**

**MAVZUSIDA XALQARO MIQYOSDAGI ILMIY-AMALIY ANJUMAN
ILMIY MAQOLALAR VA TEZISLAR TO'PLAMI
(2022-yil 26-may)**

**"ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В ЦЕНТРАЛЬНО-АЗИАТСКОМ РЕГИОНЕ:
ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ"**

**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
СБОРНИК НАУЧНЫХ СТАТЕЙ И ТЕЗИСОВ
(26 мая 2022 г.)**

**“PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF TOURISM IN THE CENTRAL ASIAN REGION:
PROBLEMS AND SOLUTIONS ”**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE
COLLECTION OF SCIENTIFIC ARTICLES AND THESES
(May 26, 2022)**

QARSHI-2022

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI

BIZNING HAMKORLAR:



**QASHQADARYO VILOYATI
TURIZM VA MADANIY MEROS
BOSH BOSHQARMASI**

**O‘ZBEKISTON XOTIN-QIZLAR
“OLIMA” UYUSHMASI**



**QOZON FEDERAL UNIVERSITETI,
ROSSIYA**



**TOJIK MILLIY UNIVERSITETI,
TOJIKISTON**



**JANUBIY FEDERAL UNIVERSITETI,
ROSSIYA**



**SAMARQAND IQTISODIYOT VA
SERVIS INSTITUTI, O‘ZBEKISTON**



**TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT
UNIVERSITETI**



**GJEL DAVLAT UNIVERSITETI,
ROSSIYA**



**SAVDO-SANOAT PALATASINING
QASHQADARYO VILOYAT
HUDUDIY BOSHQARMASI**



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI



**BELGOROD DAVLAT MILLIY
TADQIQOT UNIVERSITETI,
ROSSIYA**



**QARSHI MUHANDISLIK-
IQTISODIYOT INSTITUTI,
O‘ZBEKISTON**

Tashkiliy qo‘mita:

i.f.d., prof. Nabiyev Dilmurod Xamidullayevich
f-m.f.n., dots. Xolmirzayev Nodir Sulaymonovich
i.f.d., prof. Tuxliyev Iskandar Suyunovich
i.f.d., prof. Navro‘z-Zoda Baxtiyor Nigmatullayevich
i.f.d., prof. Ergashev Raxmatilla Xidirovich
I.f.d., prof. Ochilov Akrom Odilovich
I.f.n., dots. Klimova Tatyana Bronislavovna
G.f.n., dots. Mechkovskaya Olga Aleksandrovna
i.f.n. dots. Yakubova Shamshinur Shuxratovna
I.f.n., dots. Qo‘chqorov G‘aybulla Fayzullayevich
PhD Nabiyev G‘ulom Abdusalomovich

Markaziy Osiyo mintaqasida turizmni rivojlantirish istiqbollari: muammo va yechimlar. – Qarshi: «Intellect» nashriyoti, 2022 yil. 550 bet.

Mas’ul muharrir:

Yakubova Sh. Sh. – iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent.

Tahrir hay’ati: i.f.n. Abdiyev A.Ch., Raimova M.Dj., Qosimov J.R., Xolliyev Sh.B., Bozarov E.B., Ro‘ziyev B.A.

Taqrizchilar:

Xamrayeva S.N. – i.f.d., professor, QarMII

Erkayeva G.P.– i.f.n., dotsent, QarshiDU

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 yil 7 martdagi 101-F-sonli farmoyishi bilan tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasida 2022 yilda xalqaro va respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar rejasi to‘g‘risida”gi va O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining 2022-yil 14-martdagi “Vazirlik tizimidagi oliy ta’lim muassasalari va ilmiy tashkilotlarda 2022-yilda o‘tkaziladigan ilmiy-texnik tadbirlar rejasini tasdiqlash to‘g‘risida” gi 97-sonli buyrug‘iga, hamda Qarshi davlat universiteti rektorining 2022 yil 19 martdagi 59-I-sonli buyrug‘iga muvofiq Qarshi davlat universitetida joriy yilning 26 may kuni “Markaziy Osiyo mintaqasida turizmni rivojlantirish istiqbollari: muammo va yechimlar” mavzusida o‘tkazilgan xalqaro ilmiy-amaliy anjumani ilmiy maqolalar va tezislarga to‘plamida Markaziy Osiyo davlatlarining turizm sohasidagi hamkorligi, Markaziy Osiyo turizm sektorida raqamli texnologiyalarni joriy etishning xorij tajribasi va ichki imkoniyatlari, mintaqada turizmni rivojlantirishda transport va marketing kommunikatsiyalari, xizmatlar sohasida aholi bandligini ta’minlashdagi asosiy muammolar, iqtisodiyot va turizm sohalarida kadrlarni tayyorlash tizimi, moliya, hisob hamda auditni takomillashtirish yo‘llari va boshqa shu kabi dolzarb masalalarni hal qilishga qaratilgan ilmiy-nazariy va amaliy tavsiyalar berilgan maqola va tezislarga o‘rin olgan.

Taqdim etilayotgan ilmiy maqolalar to‘plami oliy ta’lim muassasalarining professor-o‘qituvchilari, ilmiy izlanuvchilar, doktorantlar, magistrantlar hamda turizm sohasi tarmoqlarida faoliyat ko‘rsatayotgan mutaxassislar uchun mo‘ljallangan.

Mazkur to‘plam Qarshi davlat universiteti Kengashining 2022 yil 13 maydagi №8-sonli qarori bilan nashrga tavsiya etildi.

To‘plamdagi maqola va tezislarga kiritilgan statistik raqamlar, ma’lumotlar va maqola saviyasi uchun mualliflar mas’uldir.

© Qarshi davlat universiteti, 2022

For the further development of the tourism industry through the introduction of digital technologies in this area, the author provides the following conclusions and suggestions:

- It is necessary to develop the communication infrastructure, since without the provision of the necessary digital platforms and digital technologies, without the provision of high-speed Internet, the further development of the digital economy and its tourism industry is impossible;

- It is necessary to create a unified database of tourism enterprises, and to ensure the use of online booking systems that allow in real time to provide reliable and relevant information about the means of accommodation in the tourist destination, their cost, as well as the possibility of their reservation;

- To increase the range of digital payment services, such as PayMe and others, both for domestic and international tourists, to ensure the introduction of electronic payment systems in all, especially in remote tourist regions of the republic.

- Create online platforms for consulting and providing detailed information about the country's tourist sites, as well as booking vehicles for tourist trips;

- The introduction of digital technologies in the tourism sector is impossible without the training of specialized personnel. Thus, there is an acute problem of training specialists in the tourism sector who have the necessary skills in the field of information technology, as well as specialists in the field of creating digital platforms and applications, necessary to increase competitiveness and increase labor productivity in the tourism industry. Therefore, it is advisable to organize additional workshops and special courses on digital technologies and provide access to all interested subjects working in the tourism sector.

According to the author, the implementation of these and other measures will lead to the digitalization of the tourism industry, which will further enhance its competitiveness, as customers will have better quality of service, and tourism service enterprises will receive higher income from their activities.

Thus, under the influence of digital transformation, important trends are currently emerging in the tourism industry. Digitalization and the use of modern technologies in the tourism industry are aimed at making the tourism industry more competitive in the modern digital world and turning it into one of the main strategic sectors of our economy.

List of used literature:

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures for the development of the digital economy in the Republic of Uzbekistan” No. PP-3832 dated July 3, 2018 // National Database of Legislation, July 4, 2018, No. 07/18/3832/1452).

2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On the establishment of the Digital Trust Development Fund for the Development of the Digital Economy” No. PP-3927 dated September 2, 2018 // National Legislation Database, September 5, 2018, No. 07/18/3927/1824, 09/26/2019, No. 06/19/5837/3812.

3. Message from the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev to Oliy Majlis, January 25, 2020 // <http://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020>

4. Report on the digital economy - 2019 // United Nations. UNCTAD / DER / 2019 (Overview)

5. Digital tourism: which segments of the organized travel market are digitized first? Materials of the site <https://firstlinesoftware.ru/news/tsifrovoj-turizm-kakie-segmenty-rynka-organizovannykh-puteshestvij-otsifrovyvayutsya-prezhde-vsego/>

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СМАРТ ЁНДАШУВИ

Навруз-Зода З.Б.,
катта ўқитувчи, PhD,
БухДУ Иқтисодиёт кафедраси

***Аннотация:** Илмий тезисда зиёрат туризмини кластер усулида ривожлантириш мақсадида “Зиёрат туристик дестинациянинг уч даражали СМАРТ модели” тавсия этилади. Моделнинг биринчи даражасида жозибадор сайёҳат ва зиёрат масканлари, иккинчисида – зиёрат туристик дестинация объектларининг сайёҳат ва зиёрат бизнесбоплиги ва учинчи даражасида зиёрат туристик дестинацияда АКТ имкониятлари ва унга таширф буюрадиган сайёҳ ва зиёратчиларнинг рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳолати ифодаланган.*

***Калим сўзлар:** зиёрат туризми, зиёрат туристик дестинация, “Смарт”, “Смарт” туристик дестинациялар, бизнесбоплик.*

Кириш. Рақамли трансформация шароитида Ўзбекистонда туризмни смарт ёндашувида ривожлантириш долзарб масала ҳисобланади. “СМАРТ” атамаси 20 аснинг бизнес-генийлардан бири, америка олими Петер Ф. Друкер томонидан “Менежмент амалиёти” (1954) асарида илмий айирбошлашга киритилган эди. “СМАРТ” аббревиатураси қўйилган мақсаднинг хусусиятларини аниқлаш учун белгиланган бўлиб, қуйидаги маънони билдиради: “**Specific**” – аниқ; “**Measurable**” – ўлчанадиган; “**Achievable**” – эришиладиган; “**Realistic**” – реалистик; “**Time**” – вақт бўйича изоҳланган [4]. П. Друкернинг фикрича, агар мақсад “оқилона” қўйилган бўлса-ю, у қўйилган мезонларга жавоб бера олса, унга эришиш муқаррардир.

Тадқиқотнинг методологияси ва натижалари. “Смарт” туристик дестинациялар муаммосига бағишланган фикр-ғояларни икки ёндашувга ажратиш мумкин: туристик хизматларни истеъмол қилиш ва маркетинг жараёнида “смарт” технологияларнинг ролига эътибор қаратадиган илмий ишлар ҳамда “ақлли” дестинацияларни “ақлли шаҳар”нинг махсус ҳолати деб ҳисоблайдиган ишлар гуруҳи. Бу тадқиқотлар назарий ва услубий йўналишлари билан бир-биридан фарқ қилади: агар, биринчи ҳолатда, таҳлил бизнесни ташкил этиш нуқтаи назаридан олиб борилса, иккинчиси, кенгроқ кўламда, энергия тежамкор ва барқарор ривожланиш жиҳатларини ўз ичига оладиган, тўсиқсиз атроф-муҳитнинг

мавжудлиги, тарихий маргинал субмаданиятни қўллаб-қувватлаш нигоҳидан қараб чиқилади [1].

"Ақлли"(смарт) предикат (кесим)ни нарсалар, объектлар, жараёнлар ва умуман инсон фаолияти муҳитига нисбатан қўлланилганда кундалик ҳаётимиз учун автоматлаштирилган бошқарув ва ахборот узатиш тизимларининг мислсиз аҳамиятини акс эттиради ва яқин келажакда сунъий ақлнинг дастлабки шакллари пайдо бўлишини кутади. "Ақлли ҳудуд" муаммоси туризм иқтисодиётига хос бўлиб, муаммони биринчи навбатда истеъмол талаби томондан акс эттиради [2]. "Смарт ҳудудлар" мижозларга сайёҳларни кўпроқ жалб этиш ва уларнинг турар жойларида қулайликларини ошириш мақсадида бундай хизматлар кўрсатиш имкониятини беради. "Смарт ҳудуд"нинг асосий фарқловчи хусусияти – мижозга йўналтирилганлиги ва 2.0 Интернет имкониятларидан фойдаланган ҳолда янги қўшилган қиймат занжирларни яратишдадир.

Таҳлил. Туристик дестинация назариясининг турли ёндашувларини эволюцион даврини ўрганиш шуни кўрсатадики, “туристик дестинация” атамаси анъанавий шакл ва мазмундан янгича – “Смарт туристик дестинация” шакли ва мазмунига трансформация бўлган. Бу трансформацион жараёни фикримизча, қуйидаги учта омиллар таъсирида амалга ошириб келмоқда:

1. АКТ ва Интернетнинг ривожланиши ва уларнинг туризм соҳасида кенг қўлланилиши туфайли дастлаб электрон, кейинча рақамли туризмнинг шаклланиши эвазига анъанавий туристик дестинациялар смарт туристик дестинацияларга айланиш тенденциялари кузатилмоқда.

2. Туризми ривожланган давлатларда “Смарт шаҳар”ларни барпо этилиши мазкур ҳудудларда Смарт туристик дестинацияларини шалланишига кучли таъсир ўтказияпти.

3. Туризм соҳасида кластер технологияларини жорий этиб, туристик кластерларини ташкил этилиши натижасида туристик дестинацияларнинг мазмунида ўзгаришлар содир бўлиб, уларнинг туристик товар-контенти, маркетинг ва менежмент вазифалари кластерларга ўтиб кетиш тенденцияга эга бўлмоқда. Натижада, смарт туристик дестинацияларнинг таркиби ва мақсад-вазифалари ўзгармоқда. Улар туризм тизимининг элементидан туристик кластерларни шакллантирувчи пойдеворига айланмоқда. Ушбу пойдеворнинг усткурмаси сифатида туристик кластерлар юзага келмоқда.

“Смарт туристик дестинация” анъанавий туристик дестинациядан фарқ қилади. Рақамли технологиялардан туризм фаолиятида кенг қўлланиш натижасида юзага келган смарт туристик дестинация сайёҳлик бизнесини кластер усулида ташкил этишда муҳим роль ўйнайди ва диққатга сазовор жойларга сайёҳларни виртуал жалб этиш имконини яратади. Смарт туристик дестинацияда ақлли ташриф жой ҳақида гап кетади. Бу жой шаҳар, туман, қишлоқ бўлиши мумкин. Шунингдек

улар ўртасида тафовут инновацион сервисни ривож топиш ва мавжуд товарларга эҳтиёж инновацион воситалар орқали қондирилишида ҳам намоён бўлади. Агар анъанавий туристик дестинациядан кластер шакллантирувчи омил сифатида хизмат қилса, смарт туристик дестинацияси туристик кластерларни ташкил этишнинг пойдевори сифатида хизмат қилади. Виртуал сайёҳлик бизнесни ривожланиши натижасида янги иш ўринлари вужудга келади, логистиканинг яхшиланиши ва замонавий транспорт воситаларидан фойдаланиш имкони вужудга келади. Пандимиядан кейинги даврда сайёҳар ўз доимий яшаш жойидан туриб ҳам онлайн экскурсияда қатнашадилар.

Зиёрат туризмни кластер усулида ривожлантириш мақсадида биз **“Зиёрат туристик дестинациянинг уч даражали смарт модели”**ни тавсия этамиз. Зиёрат дестинацион моделимиз қуйидаги учта даражадан иборат:

I даража – жозибадор сайёҳат ва зиёрат масканлар. Бу даражада туристик бозоридаги талаб ҳолати ифодаланади. Унда диққатга сазовор ва муқаддас жойларининг сайёҳ ва зиёратчилар нигоҳидан реал ва виртуал жозибадорлиги ўз аксини топади.

II даража – зиёрат туристик дестинация объектларининг саёҳат ва зиёрат бизнесбоплиги. Бу даражада туристик бозоридаги таклиф тизими ҳолати ифодаланади. Унда диққатга сазовор ва муқаддас жойларда туристик бизнесни ривожлантириш имкониятлари ўз аксини топади.

III даража – зиёрат туристик дестинацияда АКТ имкониятлари ва унга ташриф буюрадиган сайёҳ ва зиёратчиларнинг АКТ дан фойдаланиш ҳолати ифодаланади. Бу даражада АКТ хизматлари бозоридаги талаб ва таклиф ҳолати ифодаланади. Смарт зиёрат туризмни шаклланганлиги ва рақамли технологияларининг ривожланганлиги ўз аксини топади.

“СМАРТ зиёрат туристик ҳудуд”ни шакллантиришнинг рақамли технологиялари қуйидагилардан иборат:

1. BlueTooth, Wi-Fi каби симсиз маълумотларни узатишнинг мобиль интернетга кириш технологияси.

2. Мобиль телефонлар учун мини-атласлар, туристик қўлланмалар, навигация дастурлари, маршрутларни кўрсаткичлари, контент каби зарурий ахборот материаллари ва иловалар.

3. Зиёратгоҳлар, музейлар, концерт заллари ва турфирманинг веб-сайтлари, шунингдек мавсум учун маданий-кўнгилочар тадбирлар ҳақидаги маълумотлар хорижий тилларга таржима қилиниб, ягона дастур форматида киритилган ҳолда, саёҳат операторлари, халқаро авиакомпаниялар ва меҳмонхона бирлашмаларининг веб-сайтларида реклама қилинади.

4. Сўнги-фойдаланувчиларнинг булутли компьютер, нарсалар интернет ва интернет-сервис тизими технологиялари. Ушбу булутли ҳисоблаш технологияси

смартфонлар учун "Туристтик гида" каби дастурларда қўлланилади ва бир вақтнинг ўзида минглаб туристларнинг ахборот эҳтиёжларига автоматик шаклда хизмат кўрсатиш имконини беради.

Хулоса. Рақамли туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши сари туристик тизим таркибида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Энди, туристлар рақамли технологиялардан фойдаланиб, ўзлари доимий яшаш манзилларини тарк қилмасдан ҳам туристик хизматларидан барҳаманд бўлиш имконига эга бўладилар. Туристларнинг бундай сайъ-ҳаракатлари коронавирус пандемияси даврида яққол намоён бўлди. Бўлажак сайёҳ ва зиёратчилар узоқ вақт уйда туришдан зерикиб, интернетдан фойдаланган ҳолда турли вертуал туристик турлардан фойдаланишга киришилганлар.

Шундай қилиб, зиёрат туризмида АКТ ва Интернетдан кенг қўламда фойдаланиш эвазига зиёратгоҳлар анъанавий зиёрат масканлардан смарт зиёрат туристик ҳудудларга айланадилар ва хилма-хил туристик талаб-эҳтиёжларни қондириш учун кенг имкони бор зиёрат туристик кластерларни вужудга келтирадилар. Туристтик ҳудудларни кластерлаштириш жараёнида, агар анъанавий туристик дестинация туристик кластерини шакллантирувчи таянч асос бўлса, смарт туристик дестинация унинг ядросини шакллантирувчи пойдевор сифатида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Buhalis D. Marketing the competitive destination of the future // *Tourism Management*. 2000. № 21 (1). P. 97–116.
2. Boes, K., Buhalis, D., Inversini, A. (2015). Conceptualising smart tourism destination dimensions. In I. Tussyadiah and A. Inversini (Eds.), *Information and communication technologies in tourism 2015*. Heidelberg, Germany: Springer. 391-403 pp.
3. Тухлиев И.С., Навруз-зода З.Б. Ўзбекистонда зиёрат туризмининг кластер ёндашувида ривожлантириш моделлари. "Сервис" илмий-амалий журнал. Самарқанд. 2021. 1-сон. 67-73-б.
4. Peter F. Drucker. *The Practice of Management* by . Published October 3rd 2006 by Harper Business. 416 pages. <http://www.litres.ru/piter-druker/praktika-menedzhmenta-2/?lfrom=279785000>.